

Амир Саййид Олимхоннинг хаёт фаолияти ва тақдири ҳар жихатдан Россия билан боғлиқ бўлди. У ўн уч ёшга тўлгач, отасининг истаги ила Санкт-Петербургда уч йил (1894-1897 йилларда) ҳарбий билим юртида ўқиди. Рус тилини ўрганди. Махсус тузилган дастур асосида давлатни бошқариш ва ҳарбий билимдан таълим олди.

Буюк маърифатпарвар ва Россия кўли остидаги мусулмон дунёсида жаҳидчилик ҳаракати ривожига раҳнамолик қилган Исмоилбек Гаспирали Туркистонга 1908 йилда иккинчи бор келганида Бухорода бўлиб, 27 ёшли валиаҳд Саййид Олимхон билан ҳам учрашади ва мулоқотда бўлади. Шундан сўнг Қримга қайтиб, Бухоро ҳақида ёзган мақолаларида унинг рус матбуоти билан танишлиги ва рус тилида гаплашиши ҳамда дунёвий илмлардан хабардорлиги ҳақида илиқ сўзларни айтади.

Вассал Бухоро амирлиги тахтига 1910 йилда ўтирган амир Саййид Олимхоннинг давлатни бошқаруви, халқаро сиёсий ва иқтисодий аҳоли Россияга тобеликда кечди. Бу эса ўз-ўзидан амирлик хазинаси ҳамда иқтисодиёти ўз-ўзидан Россия билан боғланишига олиб келди. Амир, бир томондан, Россия ишлаб чиқаришига маълум мақсадда катта миқдорда инвестиция киритиб, унинг эвазига хазинани янада бойитишга бироз муваффақ бўлди. Иккинчи томондан эса, Россияга ҳар йили катта-катта миқдорда ўлпонлар тўлади. Маълумки, амир Саййид Олимхоннинг бобоси амир Музаффархон 1868 йилда Россия армиясидан енгилгач, 500 минг олтин товон тўлаш билан унга вассаллик ҳақидаги битимга имзо чекишга мажбур бўлган эди. Худди шундай ҳолда 1918 йил март ойида ленинчи большевик Колесов Бухорога хужум қилиб енгилган бўлса-да, голиб амир Саййид Олимхон келишувга биноан босқинчи коммунистик совет ҳукуматига 100 вагон бугдой товон тўлаш ва ўз армиясини 12 мингдан оширмаслик шартига мажбур бўлиш билан сиёсий мустақилликни қўлга киритади.

Амирлик хазинасига оид хужжатлар ва маълумотларга суянган ҳолда амир Саййид Олимхоннинг Россияга киритган сармояларини мазмунига кўра тўрт хил турга бўлиш мумкин: 1) Россиядаги қурилишлар, ишлаб чиқариш ва мануфактураларга сарфланган сармоя-инвестициялар; 2) Рус подшоҳи ва амалдорлари юбилейлари ҳамда бошқа муносабатлар билан уларга берилган қимматбаҳо совға-саломлар; 3) Россияга уруш олиб бориш ва бошқа шу каби фавқулодда ҳолатлар даврида олтин хисобида берилган ёрдам маблағлари; 4) Россия билан савдо-сотик ишларига сарфланган маблағлар.

Маълум бўлишича, амир Саййид Олимхон иқтисодиёт, яъни ҳозирги замон тилида айтсак, ишбилармонлик – бизнес соҳасида ҳам ўзининг муайян сиёсатига эга бўлган. У таникли рус корчалон (ишбилармон)лари, савдо ва қурилиш ҳамда молия соҳаларининг ташкилотчилари А.А.Нератов ва Иван Стахеев каби кишилар билан шахсан яқиндан ҳамкорликда бўлган. Улар билан икки томонлама манфаатдорликка асосланган молиявий ҳамкорликни амалга ошириб, каттагина муваффақиятларни қўлга киритган. Бунга эса Россияда амирлик хазинасидан фойдаланишга катта иқтисодий эҳтиёж борлиги сабаб бўлган.

Хужжатларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Россияда ишлаб чиқариш ва саноат ҳамда савдо ривожланишида амирлик хазинасининг хиссаси катта бўлган. «Товар» ва «Правители» номи хазинага оид хужжатлар тўпламидаги маълумотлар ҳамда бошқа ёзма манбалар гувоҳлик беришича, Россияда ўнлаб йирик темир йўллар қурилиши, мануфактураларнинг ишга туширилиши ҳамда банкларнинг фаолият юритишига амир Саййид Олимхон каттадан-катта инвестициялар киритган. Булар Нева ва Старо-Горькин

мануфактуралари, Стахеев фирмаси, Шуя ва Шибанов корхоналари, Волга-Бугульма ва Рус-Бухоро темир йўллари, Рус-Осиё, Рус-Бухоро банклари ва бошқалардан иборат бўлган.

1928 йил 17 мартда ВКП(б) Марказий Кўмитасига берилган 0251-ракамли ҳамда унга орадан уч кундан кейин 20 мартда кўшимча килиб юборилган 02256-маълумотномаларда куйидагилар баён этилади: «Саййид Олимхон ўз бўлигини Россиядаги катта тадбиркорларга бериб, олтин ва бошқа кимматбаҳо тошлардан иборат махсус фонд ташкил этади, хатто Голландияда кимматбаҳо тошлар савдосини йўлга қўяди.

Инкилобдан олдин Россияда унинг бўлигидан фойдаланувчи катта бир фонд ҳам пайдо бўлади. Бунга тахминан 1914 йилда Россия Ташки ишлари вазири дўстининг акаси охириги йилларда Россия молия сармояси (капитал) ривожланишига катта хисса қўшган таникли тадбиркор арбоб А.А.Нератов воситачилик қилади. У орқали Бухоро амири Саййид Олимхон ўзининг шахсий бўлигини хиссадорлик асосида Стахеевнинг фирмаси корхоналарига уч босқичда ўтказган». Яна юқоридаги ҳужжатларда кўрсатилишича, 1917 йилга келиб, Россияга Бухоро амири киритган сармоя-инвестицияларнинг умумий миқдори олтин хисобида 42,5 миллион сўмга етган. Стахеев эса амирдан олган пулларга Россия тўқимачилик саноатининг бир неча йирик корхоналарини сотиб олган. Буларнинг каторида гигант Нева мануфактураси ҳам бўлган. Амир билан Стахеевнинг олди-берди муомаласи Рус-Осиё банки ҳамда Бирлашган банк орқали амалга оширилган.

Тилга олинган юқоридаги ҳужжатда яна ўқиймиз: «Стахеев корхонаси қисман ҳозирги пайтда ҳам сақланиб қолган (1928 йил назарда тутилмоқда – С.Х.) Рус-Осиё банки бўлигининг катта бир қисми, бутун ўз бошқармаси билан бирга Стахеевнинг тасарруфида бўлган».

Бу йирик рус қорчалони корхоналарининг Марказий бошқармаси Париж шаҳри (Франция)да бўлган экан. Юқоридаги ҳужжатда қайд этилишича, амир Саййид Олимхон томонидан Россияга киритилган сармоялардан тушган фойда (дивиденд)нинг маълум бир катта қисми Париждаги банкка ҳам оқиб ўтиб турган. Шунинг ҳам айтиш керакки, Россия банклари амирнинг сармоясини муомалага киритиб катта фойда олганлар.

Катта тадбиркор А.А.Нератов Волга-Бугульма темир йўли қурилиши бошқармаси раиси бўлган. У бизнесмен сифатида Бухорода бир неча марта бўлиб, амир билан яқиндан алоқа боғлаган. Бевосита унинг воситачилигида амир Рус-Осиё савдо банки орқали Россиянинг Катта Рус қозғош ишлаб чиқариш фабрикасига 33 миллион, Рус-Бухоро банки ташкил топишига 2,5 миллион, Рус-Бухоро акционерлик (хиссадорлик) жамиятига ҳам 2,5 миллион, Бухоро темир йўли қурилишига эса 3,5 миллион олтин хисобида сармоя ўтказгани ҳужжатларда қайд этилган.

Иккинчи катта қорчалон Стахеев амир Саййид Олимхондан 8 фоиз хисобида кредитга олган 25 миллион олтин пулни Нева, Шуя, Шибанов ва Старо-Горькин мануфактураларига сарфлаб, уларни оёққа турғизади. Булар эса, ўз ўрнида яхши фаолият юритиб, Россияга миллиардлаб моддий фойда келтиргани, шунинг билан бирга унинг иктисодиёти тараккиётига катта хисса қўшгани ҳам аниқ кўриниб турибди.

Бошқача қилиб айтсак, амирлик хазинаси Россияда «капитализм» ривожига сезиларли даражада мадад берган. Бу эса ҳозирги кундаги Ўзбекистон-Россия иктисодий ҳамкорлигининг тарихий илдизларидан биридир.

Ф.Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, «Амир миллион-миллион сўмлик маблағларини савдо

соҳасида, темир йўл компанияларида, рус ва чет эл фирмаларининг саноат корхоналарида ишга солган». Шунингдек, у келтирган Россия подшо ҳукуматининг Бухородаги ваколатли амалдори П.Введенский томонидан 1920 йил 26 февралда амир ҳукуматининг талаби билан ёзилган амир ва рус ҳукумати иктисодий алоқаларига оид тўла бўлмаган ҳисоботда ҳам эътиборга молик маълумотлар бор. Бу ҳисоботда кўрсатилишича, амир томонидан рус савдо ва саноатига киритилган маблағларнинг миқдори куйидагича бўлган:

Жаноби олийларининг (амир Сайид Олимхон назарда тутилмоқда) рус корхоналаридаги иштироки

I. Нақд капитал

1. Рус-Бухоро акциядорлик жамиятида:

нақд пахтанинг киммати — 4.608.800 сўм

2. Рус-Осиё акциядорлик жамиятида:

нақд пахтанинг киммати — 2.500.000 сўм

3. Бухоро банкидаги:

нақд пахтанинг киммати — 500.000 сўм

4. Ип йигириш корхоналаридаги:

нақд пахтанинг киммати — 30.000.000 сўм

5. Бухоро темир йўлида:

нақд пахтанинг киммати — 111.250 сўм

Жами: — 37.720.050 сўм

II. Товар хисобидаги капитал (сармоя)

1. Рус-Бухоро акциядорлик жамиятида:

а) Нақд пахтанинг киммати — 46.088.000 сўм

б) Жуннинг киммати — 361.500 сўм

в) Коплар киммати — 186.000 сўм

г) Коракўл тери киммати — 635.000 сўм

д) Сахтиён тери киммати — 184.000 сўм

е) Хар хил товар ва материаллар киммати — 80.000 сўм

Жами: — 47.534.500 сўм

Жаноби олийлари иштирокининг ярим улуш — 3.003.750 сўм

2. Рус-Осиё пахтачилик жамиятидаги:

а) Нақд пахта киммати — 31.180.900 сўм

б) Чигити олинмаган пахтанинг киммати — 1.144.200 сўм

в) Уруглик киммати — 3.696.355 сўм

г) Линт киммати — 245.400 сўм

д) Бўз (мато) киммати — 72.190 сўм

е) Коп-канор киммати — 571.450 сўм

ж) Сим киммати — 237.600 сўм

з) Капоп ип киммати — 106.000 сўм

и) Пахта толаси киммати — 15.151.100 сўм

к) Уруглик киммати — 318.820 сўм

л) Материаллар киммати — 200.000 сўм

Жами: — 52.924.015 сўм

Жаноби олийлари иштирокининг ярим улуши — 3.147.538 сўм

III. Умумий маълумот

1. Накд пул (капитал) — 38.612.500 сўм

2. Жаноби олийларининг икки

акциядорлик жамиятидаги иштирокининг

ярим улуши — 62.151.288 сўм

Жами: — 100.763.788 сўм

Ушбу хисоботнинг тагидаги «Изохнома»да алохида таъкидлаб кўрсатилишича, амирга Бухоро банкига ва Бухоро темир йўлига кўйилган сармоялардан белгиланган шартлар асосида дивиденд (фойда) тўланиши шарт бўлган. Шунингдек, Ип йигирув корхонасига кўйилган сармоядан амирга 7 фоиз кафолатланган фойда берилган. Яна шу йилларда Бухоро ҳукуматидан Россиянинг Бухородаги резидентига ҳам маблағлар тушиб турган. Агар юкоридаги хисоботдаги маблағнинг ҳаммаси жамланса, амирнинг Россиядаги нақд пули ва хар хил товарларининг умумий киммати 160.445.803 сўмни ташкил этади. Бу ҳолат Россияга килинган экспортда ҳам кўзга яққол ташланади: 1850-1860 йилларда Россияга 30-40 минг дона коракўл экспорт килинган бўлса, 1911-1914 йилларда бу 1,5 миллионга етган.

Бухоро амирлиги энг бой мамлакат бўлиб, россияга салкам ярим асрлик васаллиги даврида беҳад кўп миқдорда маблағ сарфлади. Бу тўғрида Файзулла Хўжаев шундай деб ёзади: «Жуда катта миқдордаги миллион-миллион сўмлар амир томонидан рус саноти корхоналари, темир йўллари компаниялари ва савдосига ҳамда чет эл фирмаларига сарфланган».

Евгений Березиков ўзининг «Красная Бухара» (Тошкент, 1988) номли тарихий романида агар рост бўлса, Россия Биринчи жаҳон уришига кириши ва унга бўлган амирнинг муносабати билан боғлиқ бир кизик воқеаларни кўрсатиб ўтади. Амир Саййид Олимхон ўз мунажжими Сўфи ибн Зайдни чакириб, бу урушда катнашаётган рус подшоси Николай II нинг тақдири қандай бўлади, деб срайди. Шунда у «ок подшо» тахтга ўтирган йил ва соат вақтини билиш керак дейди. Шундан сўнг амир Россия Ички ишлар вазирлиги орқали Николай II нинг 1896 йил 14 май куни эрталаб соат ўн бирда тахтга ўтириши маросими бўлганлиги ҳақидаги маълумотни олади-да, мунажжимни чакиртиради.

Мунажжим Сўфи ибн Зайд «ок подшо» тахтга ўтирган пайтдаги юлдузларнинг жойлашишига караб, унинг ҳукмронлиги даврида катта муҳораба бўлиши, армия унга қарши кўзгалон кўтариши, ҳарбий бошлиқлар орасида норозилик кучайиши, охир-оқибатда эса подшо ҳалок бўлишини айтади. Шундан сўнг амир рус сиёсий агенти генерал Галкинни чакириб, унга «Уруш, касал ва ярадорлар учун» бир миллионлик чек, яна икки минг нақд пулни бериб, шундай дейди: «Уруш ёмон оқибатларга олиб келади. Армия кўзгалон кўтаради, халқ бўйсунушдан бош тортади ва ҳамма ҳукмдорларни ағдариб ташлайди».

Амир Саййид Олимхоннинг Россияга муруввати Германия уруш эълон қилиши биланок бошланган эди. Мана бир мисол. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1914 йил 2 август сонидан «Благой почин» («Мурувватли ташаббус») деган сарлавха остида куйидагича хабар босилади: «Бухоро амири Хазрати Олийлари сахийлик билан «Кизил хоч» («Красный крест»)га юз минг олтин хисобидан пул ўтказиб катта ташаббус кўрсатди. Бу ташаббус ўзидан сўнг бир неча катта миқдордаги ионаларга йўл очиб берди».

Николай II амир Саййид Олимхоннинг бу химматларини юкори баҳолаб, унга 1915 йил 30 декабрда генерал-лейтенант ҳарбий унвонини беради. Амир хакикатан ҳам Россиянинг

урушда галаб козонишига катта ёрдам берди. У 1914, 1915 ва 1916 йилларда Россияга хар йили бир миллиондан жами 3 миллион олтин хисобида сармоя беради. Булардан ташқари амир Николай II талабига қўра, 1914 йилнинг ўзида Россияга 10 дон тўп, 500 та бешотар милтик, 1500 та чопкир от ва бошқа уруш учун керакли нарсаларни инъом этгани хам маълум.

давоми бор